



ЎЗКИМЁСАНОАТ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2022 йил 15-июн

Олмалиқ шахрида жойлашган “МАХАМ- UZBEKISTAN” Ўзбек-Испан қўшма корхонаси МЧЖда содир бўлган портлаш юзасидан “Ўзкимёсаноат” АЖ РАСМИЙ БАЁНОТИ



Жорий йилнинг 15 июнь куни соат 17:55ларда Тошкент вилоятининг Олмалиқ шахридаги “Аммофос-Максам” АЖ ҳудудида ижара асосида фаолият юритадиган “МАХАМ-UZBEKISTAN” Ўзбек-Испан қўшма корхонаси МЧЖнинг “Реохит” портловчи моддасини ишлаб чиқариш цехида (Бино 2018 йилда пишиқ виштдан қурилган бўлиб, ўлчами 15x30, баландлиги 12 метр) технологик регламент бузилиши натижасида портлаш содир бўлган.

Воқеа содир бўлган вақтда цехдан тахминан 10 метр узоқликда бўлган, “Логистика-плюс” МЧЖга қарашли суюқ аммиакли селитра махсулотини ташишга мўлжалланган DAF русумли, сиғими 30 тн танк контейнери ҳайдовчиси, 1973 йилда туғилган Н.Н.М чап оёқ болдир соҳасида очик синиши, кўкрак қафаси ишиши билан Олмалиқ шаҳар Марказий шифохонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган. Ҳозирда аҳволи қониқарли.

Воқеа жойига зудлик билан Фавқулодда вазиятлар вазири, ФВВ Ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар муаммоларининг илмий тадқиқот институти бошлиғи (навбатчи гуруҳи билан), Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарияти ҳамда 3 та ёнғин-қутқарув бўлинмалари етиб боришган.

Ҳозирда ҳолат юзасидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/maxsam-uzbekiston-uzbek-istan-qushma-korxonasi-mch-j-rasmiy-bayonot>